

**“Ўзбекино” Миллий агентлигининг 2017 йил 9 ойлик фаолияти
яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши
КУН ТАРТИБИ**

2017 йил 25 ноябрь
Соат 14.00

“Ўзбекино” МА
Мажлислар зали

Раислик қилувчи: Ф.Зокиров – “Ўзбекино” Миллий агентлиги
Бош директори

Иштирок этувчилар: Ш.Ризаев - Бош директорнинг биринчи
ўринбосари, Н.Маҳмудов – Бош директор
ўринбосари, агентлик марказий аппарати
масъул ходимлари, ҳудудий бўлимлар ва
тизим ташкилотлари раҳбарлари (рўйхат
бўйича)

**1. “Ўзбекино” Миллий агентлиги тизимида жорий йилнинг 9 оyi
мобайнида амалга оширилган ишлар ва олдиндаги устувор вазифалар
тўғрисида.**

Маърузачи: Ф.Зокиров – “Ўзбекино” Миллий агентлиги Бош директори

**2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил
Завгустдаги ижодкор зиёлилар вакиллари билан бўлиб ўтган йиғилишида
белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида.**

Маърузачи: Ш.Ризаев – Бош директорнинг биринчи ўринбосари

**3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги
“Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-3176-сон қарорига асосан агентлик тизимидаги
кинематография объектларида амалга оширилаётган реконструкция,
таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари тўғрисида.**

Маърузачи: Н.Маҳмудов – Бош директор ўринбосари

**4. Агентлик ҳудудий бўлимлари ва тизим ташкилотларида ижро
интизоми тўғрисида.**

Маърузачи: Б.Норов – Бошқарма бошлиғи

5. Турли масалалар.

“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг 2017 йил 9 ойлик фаолияти йякунлари ҳисоботи

2017 йилнинг 9 ойида кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун давлат бюджетидан **8 млрд. 658 млн. 381 минг сўм** маблағ ажратилди. Шунга асосан **8 млрд. 658 млн. 381 минг сўмлик** шартнома тузилиб, **6 млрд. 632 млн. 459 минг сўми** молиялаштирилди.

Ҳисобот даврига Давлат буюртмаси асосида **10 та** бадий, **4 та** мультипликацион, “Зумраша” болалар юмористик киножурналининг **3-4-сони**, **15 та** ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар ишлаб чиқаришга туширилди.

Утган даврда Агентлик ишчи органига мурожаат этган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахслар)ларга Вазирлар Маҳкамаси комплексининг қарорига биноан **56**та лицензия расмийлаштирилиб топширилди.

Нодавлат студиялар томонидан агентликка қилган мурожаатларига биноан, Республика Киноарбоблари ижодий уюшмаси ишчи гуруҳи томонидан **31**та фильм кўриб чиқилган бўлиб, улардан **12**тасини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Ҳисобот даврида давлат буюртмасига биноан суратга олинган **2**та бадий фильмга, **13**та ҳужжатли фильмга, шунингдек **6**та “Зумраша” болалар киножурналига, жами **21**та аудиовизуал асарга Давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномаси расмийлаштириб берилди.

Агентлик Марказий апарати ва худудий бўлимлари мутахассислари томонидан кино ва видеофаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, профилактика тадбирлари доирасида турли хил қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган **учюздан ортиқ** тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида агентликка фуқаролар ва турли студиялардан жами **102 та** бадий, **30 та** ҳужжатли ва **18 та** мультфильм сценарийси тақдим этилди. **11 марта** Бадий кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Агентлик буюртмасига биноан “Ўзбекфильм” АЖда ишлаб чиқаришга туширилган **“Сўнгги пушаймон”** (Н.Тўлахўжаев), “Қорақалпоқфильм” киностудиясида ишлаб чиқаришга туширилган **“Ўқилмаган хат”** (М.Мардонов) бадий фильмларининг монтаж-овозлаштириш ишлари давом этмоқда. **“Сабот”** (Р.Маликов) бадий фильмини суратга олиш ишлари тугалланиб, тақдимотга тайёрлаб қўйилди.

“Ўзбекфильм”да ишлаб чиқаришга туширилган **“Берлин-Оқкўрғон”** (З.Мусоқов), **Сумбула”** (Ж.Худойкулов) **“Парвоз”** (И.Мегемедибрагимов), **“Иссиқ нон”** (У.Ҳамдамов) ва “5-студия” ЁТИУда ишлаб чиқаришга туширилган **“Мавжуд”** (Ё.Тўйчиев) бадий фильмлари “Ўзбеккино” МА Бадий кенгашининг 2017 йил 20 сентябрдаги йиғилиши қарорига биноан 2018 йилга қадар вақтинча тўхтатилди.

2016 йилда ишлаб чиқаришга туширилган **“Рустам ва Саид”** кўп қисмли мультфильм тўпламининг 2-5-қисмларини ишлаб чиқариш жараёнлари давом эттирилмоқда.

“Ўзбекфильм” даишлаб чиқаришга туширилган **“Ўзвийлик”**, **“Гилдиракли уй”** ва **“Уч кичкинтой”** номли мультфильмларнинг суратга олиш ишлари давом эттирилмоқда. **“Нўхат полвон”** тўлиқ метражли мультипликацион фильми ҳамда **“Кенжа ботир”** 15 дақиқали мультфильми Бадий кенгаш кўригидан ўтказилиб, кенг намойишга тайёрланди.

Алишер Навоий номли киносаройи ва Киночилар уйида жорий йилнинг 20 январь куни **“Дадам бетоб”** (З.Мусоқов) ва 10 март куни **“Иснод”** (Р.Мухаммаджонов) номли давлат буюртмасига асосан суратга олинган бадий фильмларнинг жамоатчилик учун тақдироти бўлиб ўтди. Шунингдек, “Ўзбекфильм” АЖда тайёрланган **“Ришта”** (М.Охунов), **“Ота уйи”** (А.Гамиров) бадий фильмлари ҳамда **“Шарқдан таралган нур. Абу Али ибн Сино”** (Ш.Маҳмудов) бадий-публицистик фильми Бадий кенгаш кўригидан ўтиб, октябрь ойида тақдиротлари ўтказилди. 22 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида **“Ота уй”** фильмининг премьераси ташкил этилди.

2016 йилда давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқарилган **“Хазонрезги”** номли бадий фильм (реж.: З.Мусоқов) Россия Киноакадемиясининг **“Ника”** мукофотиغا МДХ ва Болтиқбўйи давлатларининг энг яхши бадий фильми номинацияси бўйича номзод бўлди.

Ҳисобот даврида агентлик раҳбарияти томонидан Европа Иттифоқи, Хитой, Грузия, Туркменистон, Венгрия, Италия, Франция мамлакатлари элчилари, Халқаро Вестминстер Университети (Лондон) вакили, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари ҳамда хитойлик ва туркиялик кино усталари билан расмий учрашувлар ўтказилди.

Мамлакатимизда 24-26 март кунлари **“Япон киноси кунлари”**, 11-13 апрель кунлари **“Туркман киноси кунлари”**, 3-7 май кунлари **“Шум бола”** IV ўзбек ва немис кинолари фестивали, 22-23 май кунлари **Грузин киноси кунлари** ҳамда 22-28 май V **Европа киноси кунлари фестивали** муваффақиятли ташкил этилди. 3-7 апрель кунлари “China Film Promotion International” компанияси бош директори **Гу Гуоцин** бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. 17 июнь куни Москва шаҳридаги Третьяковка галереясида Латиф Файзиев суратга олган **“Улуғбек юлдузи”** номли бадий фильмнинг махсус намойиши ташкил этилди.

2017 йилда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида ташкил этилган Киноактёр театр студияси томонидан америкалик машхур ёзувчи Теннесси Уильямс асари асосида **“Бир кунлик бахт”**, Шаҳодат Исахонова қаламига мансуб **“Бибихоним”** ва Кучқор Норқобилнинг **“Осмон остидаги сир”** номли янги спектакллари саҳналаштирилди.

31 май куни “Миллий кинематография санъатини янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар” мавзусида ва **16 август** куни “Миллий кинематография санъати: кеча, бугун ва эртага” мавзусида матбуот анжуманлари ташкиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ижодкор зиёлилар вакиллари билан 2017 йил 3 август куни ўтказган видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, 15 август куни Республика Киночилар уйида агентлик ва тизим ташкилотлари раҳбарияти, масъул ходимлари, таниқли киноижодкорлар, киношунос ва кинотанқидчилар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Давлат бошқарувида фуқаролик жамиятлари институтлари ролини ошириш мақсадида **“Кинематографияни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази”** нодавлат-нотижорат ташкилотининг фаолияти йўлга қўйилди.

Кино соҳасида фаолият юритаётган ва соҳага кириб келаётган ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда **“Ёш киноижодкорлар кенгаши”** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган **“2017-2018 йилларда коррупция кўринишларидан огоҳлантириш ва минималлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси”** (08/1-204, 04.05.2017й.)нинг ижросини таъминлаш мақсадида Кинематографияни ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда **Интерактив мунозара клуби** ташкил қилинди.

“PROlogue” – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III Республика фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур фестиваль 27-30 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги **“Ёшлар ижод саройи”** бўлиб ўтади. (Барчангизни ушбу тадбирга таклиф этамиз).

Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда **“Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!”** мазмунидаги тарғибот тадбирлари барча вилоятларда ташкил этилди.

Самарқанд шаҳрига ташриф буюрувчи юртимиз фуқаролари ҳамда чет эллик сайёҳлар учун юртимизнинг бой маданий мероси, анъаналари, фольклори, тарихий шахслари ва обидалари ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни акс эттирувчи турли хужжатли фильмлар, шунингдек, **“Олтин фонд”**га киритилган тарихий фильмларимиз ва халқаро кинофестивалларда муваффақиятли қатнашган миллий бадий фильмларни ўзбек ва рус тилларида (инглиз тилида субтитрлар билан) махсус намоиши йўлга қўйилди. 2017 йилнинг охирига қадар мазкур амалий тажрибани республикамизнинг бошқа туристик ҳудудларида ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 сентябрдаги 05-01/1-144-сонли йиғилиш баёни 9-бандига асосан **“Ўзбекфильм”** киностудиясини замонавий кино техникаси ва қурилмалари билан таъминлаш мақсадида хорижий компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Жумладан, ARRI (Германия) компанияси вакили томонидан сўнгги русумдаги кинокамералар тақдимоти ўтказилди. Danphon (Дания) ва Axon (Голландия) компаниялари вакиллари билан **“Ўзбекфильм”** киностудиясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

“Ўзбекфильм” киностудияси ва бошқа кинематография объектлари бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, модернизация ва жиҳозлаш ишлари борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кейинги маърузачиларимиз батафсил маълумот беришади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги **ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”**да амалга оширишга оид Давлат дастурининг **254-банд бўйича, яъни Ўзбекистон Республикаси кинематографиясини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш чора-**

тадбирларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кинематография санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 14 март куни 01-05-04-221-сон хат билан тегишли вазирлик-идораларга кўриб чиқишга киритилди ҳамда белгиланган тартибда келишилди.

Қарор лойиҳаси 2017 йил 25 апрель куни 01-04/04-53-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. 2017 йил 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3176-сон Қарори қабул қилинди.

Турли соҳаларда меҳнат қилиб, халқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган замон қахрамонлари фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильмлар яратиш, улар билан мунтазам равишда адабий кечалар ўтказиш тўғрисидаги **288-банд ижроси юзасидан** Ўзбекистон халқ ёзувчилари Тоҳир Малик, Худойберди Тўхтабоев, академик Юнус Ражабий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Тасвир сеҳргари”, “Ҳаёт қайиғи” ҳужжатли фильмлари суратга олинди. “Болаларнинг “улфат”и”, “Юнус Ражабий” каби ҳужжатли фильмларнинг суратга олиш ишлари яқунлашиб, монтаж жараёнида. “Комилжон Отаниёзов”, “Она юртнинг бағридан – зуволаси”, “Шароф Рашидов” фильмлари тайёрланиб, кенг томошабинлар қатламига намойиш этишга рухсат берилди. Куни кеча “Шароф Рашидов” фильмининг тақдими Жиззах шаҳрида ўтказилди.

Келгуси чоракдаги режалар:

Агентлик томонидан 2017 йил IV чорагида бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон Қарори ижросини таъминлаш юзасидан тайёрланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш; *(2 таси киритилди)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августда ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувда келиб чиққан вазифалар ижросини таъминлаш;

Агентлик ҳузуридаги Бадий кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириб, ишлаб чиқариладиган фильмлар савиясини, сифатини ошира бориш;

Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиб, фаолиятини йўлга қўйиш;

Киноарбоблар ижодий уюшмаси фаолиятини такомиллаштириб, хусусий киностудиялар ва киноижодкорлар Гильдияси билан биргаликдаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

тизимдаги кинематография объектларининг, биринчи навбатда “Ўзбекфильм” киностудиясини тўлиқ модернизация қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни замонавий кинотехнологик жиҳозлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш;

хусусий киностудиялар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва хориждан намойиш учун олиб келинаётган фильмларни кўриб чиқиб, хулоса берувчи

Эксперт гуруҳи фаолиятини ташкил этиш бўйича асосланган таклиф ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

“Дўрмон” киноижодкорлар уйининг фаолиятини қайта тиклаш ва киноижодкорларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун махсус масканга айлантириш;

Ишлаб чиқаришга туширилган кино маҳсулотларини Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш бўйича кўрсатма бериш;

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга доир Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш;

“PROlogue” – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III Республика фестивалини ўтказиш;

фильмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ нормативларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Россия, Словакия, Греция ва Хитойда Ўзбек киноси кунлари тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш.